

**Ўзбекистон Республикаси
давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси**

**Тошкент вилояти бўйича
давлат архитектура-қурилиш
назорати инспекцияси жамоаси**




**мустақил Ўзбекистоннинг
Бош қомуси –
Конституция
байрами билан
барча ватандошларимизни
муборакбод этади.**

**Тиларимиз – она-Ватанамиз тинч,
элимиз ҳамisha омон бўлсин.**

**Ўз юртини севадиган,
қонунаримизни ҳурмат қиладиган
ҳар бир инсон мамлакатнинг
гуллаб-яшнашига
ўз ҳиссасини қўшаверсин!
Байрамнингиз кўнгуллаи ўтсин!**

ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

**Вилоят аҳолисини
мамлакатимиз
Конституцияси қабул
қилинганлигининг
17 йиллиги билан
самимий муборакбод этади.
Инсоннинг энг катта бойлиги
бўлган саломатлик
Сизни ҳеч қачон
тарк этмасин, азизлар!**



– Алло, қаер бу?
– Қаер керак эди?
– Ҳалиги нима... Бўла-ди-ю... Нимаиди? Ҳа, тилиминг учиди турган эди-я! Хафа бўлмайсиз, касб касали...

– Қаерда ишлагансиз – хотирангиз занглаб кетибди.

– ЖЭҚда бошлиқ бўлганман. Биласиз, бошлиқлар олдида дардини дос-тоқ қилиб мингта одам келади. Уларнинг иккинчисининг дардини эшитаётганимизда биринчисини, учинчисини эшитаётганимизда иккинчисиникини ва ҳоказо бирин-кетин унутишингиз керак, бўлмаса жинни бўлиб қоласиз. Бошқарув назариясининг биринчи шарти шундан иборат. Иккинчисини...

– Шошманг. Буларни менга нимага гапираясиз? Эй, ўзи менга нимага телефон қилдингиз?

– Сизга мен кўнғирок қилдимми? Йе! Ҳа-а, кўнғирок қилаётганимда нега кўнғирок қилаётганим эсимда эди. Шундай рақамни тердим-у, унутдим-да. Қаерга кўнғирок қилаялман, айтинг, нега кўнғирок қилганим эсимга тушади.

– Уфф! Телефон тузатиш устaxonасига.

– Э, яшанг! Бор экансиз-ку! Шу телефонимиз чатоқ, гаплашиб бўлмаяпти, тузатиб берсаларинг.

– Қаердан кўнғирок қиляпсиз, автоматданми, ё кўшингизникидан?

– Уйдан кўнғирок қилялман.

– Унда нега ёлгон гапираясиз, телефон ишламаяпти деб.

– Нега ёлгон гапирай, биродар.

– Мана, мен билан гаплашиб турибсиз, демак те-

лефонингиз ишляпти.

– Мени жинни деб ўйлаясизми? Телефоним ишласа, уни тузатиб беринг, деб кўнғирок қилармидим.

– Уфф! Мен билан ким гаплашапти ўзи?

– Мен.

– Демак телефонингиз ишляпти экан.

– Дастакни қўйиб ту-

ринг, ўзим сизга кўнғирок қиламан.

– ...

– Алё, алё, яна бу сизми?

– Ҳа, менман.

– Вой-вой-вой! Мени ўлдирасизми, ака? Бунисиям ишляпти-ю!

– Уэр, уэр. Адашиб бу-

юборақолмайсизми бундан кўра! Телефонингиз учта эмасми, мабодо?

– Йўқ, иккита.

– Икковиям ишляпти-а?

– Ишляпти.

– Уфф! Улар бўлсам, ўлиб бўлдим.

– Мен нима қилай, биродар? Сизни тушунмай қолдим: мақсадингиз нима? Дам у телефонимга кўнғирок қиласиз, "Ишляптими?" дейсиз, дам бунисига кўнғирок қиласиз, "Ишляптими?" дейсиз?

– Нима демокчисиз ўзи? Мени телефонимнинг ишлаб, ишламагани билан нима ишингиз бор? Яна, "Улар бўлсам, ўлиб бўлдим!" деганингиз ортиқча!

– Ҳов, инсон, ҳов, хотирасини кўрт еган, касби касал, "Телефоним ишлямаяпти", деб кўнғирок қилган ким ўзи?

– Фолчи ёки авлиё бўлмасам, мен қаёқдан билай!

– Нима! Йўқол-э, касби касал!

– Йе! Ҳов, ҳов, менга қаранг... Алё, алё! Дастакни қўйиб қўйди, аблаҳ! Жуда галати одам экан-ку, кўнғирок қилди, жавоб бердим... Яна зарда қилгани ортиқча... Ё буюм касб касалига йўлқанми-кан-а?

Саид АНВАР.

ООО «ХОЖИХАЛОЛ-БИЗНЕС», зарегистрированное инспекцией по государственной регистрации субъектов предпринимательства Собир Рахимовского района за реестровым № 003406-05 от 25 июня 2009 года (ОКПО 22862280) объявляет об изменении своего наименования ООО «RAVNAQ BARAKA SAVDO». Претензии принимаются по адресу: Собир Рахимовский район, массив Ходжаева, дом. 4, квартира 18.

Газетанинг навбатдаги сони 12 декабрь, шанба куни чиқади.

«AQUA BOTTLERS»

қўшма корхонаси жамоаси

Барча юртдошларимизни

мамлакатимиз

Бош қомуси қабул

қилинганлигининг

17 йиллиги

билан муборакбод этади.

Асосий қонунимизга таяниб яшаш –

демократик тараққиёт, тинч ва

фаровон истиқболимиз гаровидир.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилимиз:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот
бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Навбатчи

Хуршида НАЗАРОВА

Саҳифаловчи

Тоҳир МАҲМУДУҲҶАЕВ